



06.01.2022 даги

"Туракургон нефт базаси" МЧЖ ва Нам. Вил. Хок. молия бошкармаси ўртасида 11960000,00 сўм умумий  
суммага тузилган 14 - сонли шартномага  
ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\*

Боб

092

Шахсий ғазна ҳисобварақ

100021860144017011312092008

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4252500			
Январь	11,960,000.00			11,960,000.00
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>11,960,000.00</b>			<b>11,960,000.00</b>

Жами 11960000,00 сўм

Ўн бир миллион тўққиз юз олтмиш минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 11960000,00 сўм ёки 100,00%\*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
\_\_\_\_\_ % \*\*\*20 \_\_\_\_\_ ойда тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;


(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_\_ % жорий ойнинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари


М.Ў.



  
(имзо)

Бахриидинов Зухриидин Бахриидин ўғли  
Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

  
(имзо)

Холмирзаев Бахтиёр Дехканович  
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

# Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги ШАРТНОМА № 14

06.01.2022 й.л.

Оқтош шаҳарчаси.

“Наманган вилоят ҳокимлиги Молия бошқармаси” қўйида “Истеъмолчи” деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар **З.Б.Баҳриддинов** шахслигида бир томондан, иккинчи томондан “Тўрақўрғон нефт базаси” масъулияти чекланган жамиятининг қўйида “Етказиб берувчи” деб номланувчи жамият номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор **Ш.Файзиев** шахслигида, ушбу шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. “Етказиб берувчи”, “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”нинг талабномада кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва қўйида келтирилган жадвалга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади. Жадвалдаги нефт маҳсулотлари нархлари ёки автобензин маҳсулоти нефт омборига қараб тури (АИ-80, АИ-92, АИ-95) ўзгариши мумкин.

Нефт маҳсулотларининг тури	Илпик миқдор (тонна)	1 тонна нархи (сўмда)	Тахминий умумий суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича							
				I-чорак		II-чорак		III-чорак		IV-чорак	
				тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма	тн	Тахминий сумма
Бензин АИ-92	0,920	13 000 000	11960000	0,920	11960000	×	×	×	×	×	×
Бензин АИ-80		11 000 000									
Ўчоқ ёқилгиси		10 000 000									
Дизтоғилшо		11 400 000									
<b>ЖАМИ:</b>	0,920		11960000	0,920	11960000	×	×	×	×	×	×

1.3. “Истеъмолчи” маҳсулот учун тўловни ва маҳсулотни қабул қилиб олишни томонларнинг ўзаро келишувига асосан белгиланган муддатда ва ҳажмда амалга оширишни ўз зиммаларига олади.

Шартноманинг тахминий умумий суммаси **11960000** сўмни ташкил қилади.

## 2. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

2.1. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ўз автотранпортида, маҳсуе автотранпортида (транзит билан), белгиланган тартибда етказиб берилади. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда, нефть маҳсулотларини ташишда қўйиладиган барча ёнгин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилишни ҳамда «Етказиб берувчи» га нефть маҳсулотларини ташиш бўйича молиявий эътироз йўқлигини ўз зиммасига олади. Ушбу талаблар бажарилмаган ҳолатда автошестерналарга маҳсулот қўйишга руҳсат берилмайди.

2.2. “Истеъмолчи”да нефт маҳсулотларини саклаш учун идоравий нефт омбори ҳамда нефт маҳсулотларини ташиш учун маҳсуе автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, бундай истеъмолчиларга нефт маҳсулотлари уларнинг автотранпортига юклаб юбориш орқали етказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Маҳсулот етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Етказиб берувчи”нинг омборидан “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан транспорт воситасида олиб кетилганда товар-транспорт ҳужжатлари расмийлаштирилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Истеъмолчи”нинг маҳсуе автотранспорт воситасида нефт маҳсулотларини ташиш “Хавфли юкларни ташиш қоидалари”га мувофиқ амалга оширилиши шарт. Акс ҳолда транспорт воситаси “Етказиб берувчи” нефт омборига киритилмайди.

2.3. Нефт маҳсулотлари “Истеъмолчи”га “Етказиб берувчи”нинг маҳсуе транспорт воситасида етказиб берилса, маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш “Истеъмолчи”нинг нефт омборида амалга оширилади. Маҳсулот “Истеъмолчи”нинг омборида “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан маҳсулотни қабул қилинганлиги тўғрисида товар-транспорт нақлиётга имзо қўйилган сана “Етказиб берувчи” томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Маҳсулотни топшириш ва қабул қилиш бевосита “Истеъмолчи” вакилининг хошишига қўра “Етказиб берувчи”нинг нефт омборида амалга оширилиши мумкин.

2.4. Нефт маҳсулотлари “Етказиб берувчи”га тегишли бўлган ёнилғи таркатиш шахобчаси орқали етказиб берилса, бунинг учун “Истеъмолчи”нинг илпичномасига мувофиқ маҳсулотни ёнилғи таркатиш шахобчасидан олиш тўғрисида руҳсатнома расмийлаштирилади. Мазкур руҳсатнома “Истеъмолчи”нинг вакили томонидан ёнилғи таркатиш шахобчасига тақдим қилинади. Шаҳобча оператори ўз навбатида таркатиш варақаси юритади. “Истеъмолчи” вакилига берилган маҳсулот миқдори таркатиш варақасига киритиб борилади. Таркатиш варақасида “Истеъмолчи”нинг вакилининг маҳсулотни миқдоран тўлиқ олганлиги тўғрисида имзо қўйилган сана, «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

2.5. Маҳсулот «Истеъмолчи»нинг манзилига транзит тартибда темир йўл транспортарида етказиб берилганда, темир йўл накладнойига юкни ташишга қабул қилинганлиги тўғрисида қўйилган белгидаги сана «Етказиб берувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Бундай ҳолатларда маҳсулотни қабул қилиш амалдаги “Нефт, газ конденсати ва нефт маҳсулотларини қабул қилиш, саклаш, ташиш ва ҳисобини юритиш бўйича қўлланма”га мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Маҳсулотга эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» шартнома мажбуриятини бажарган санадан эътиборан «Истеъмолчи»га ўтади.

2.7. Нефт база омборига маҳсулот қўйиш учун олиб келинган автомобил шестерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автошестерналар маҳсулот қўйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш кетиши учун жавобгарлик “Истеъмолчи” зиммасига, маҳсулот маҳсуе автотранспортарида ташилладиган бўлса, транспорт ташкилотни зиммасига тушади.

2.8. Нефт маҳсулотлари қўйилган автошестерналар (Истеъмолчи)нинг автотранспортарида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) нефт база ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги метёрий техник ҳужжатларга (2417-85, давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш “Истеъмолчи”нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.9. “Етказиб берувчи” нефт маҳсулотлари таъминотининг узилишлари нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл айби билан ўз вақтида етказиб бермаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

## 3. ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар тўлов топшириқнома асосида амалга оширилади.

3.2. “Истеъмолчи” олаётган нефт маҳсулотлари партиясини учун ҳақини олдиндан камида 5 кун олдин 100% миқдориди «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига ҳақ тўлайди.

3.3. «Етказиб берувчи» нефт маҳсулотларини “Истеъмолчи”га ўтган Хафтадаги биржа савдолари натижаларига қўра шакланган ўртача биржа нархларидан келиб чиқиб, «Етказиб берувчи»нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари ҳамда устамасини қўшиб шаклланган нархларда сотади. Бунда «Етказиб берувчи» “Истеъмолчи”га нефт маҳсулотлари расмийлаштириш кундаги нарх бўйича ҳисоб китоб қилади.

3.4. Шартнома суммаси нефть маҳсулотларини “Етказиб берувчи” таъминотидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть маҳсулотини ташиш билан боғлиқ темир йўл харажатлари Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда

ски нефть маҳсулотлари таъминоти қорхоналарининг устура нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефть маҳсулотларига нисбатан янги нархлар кўлланади.

#### 4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Нефть маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиш куйидагича амалга оширилади:

- а) «Етказиб берувчи» нефть базасидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть маҳсулотини олиб чиқиши қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда раъшйлаш гириши орқали.
- б) «Истеъмолчи» транзит орқали маҳсулотларни қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.

4.2. Эгаллик ҳуқуқи, тасолифий ноҳуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» қорхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи» га ўтади.

4.3 Нефть маҳсулотларининг миқдор ва сифати бўйича «Истеъмолчи» «Ишлаб чиқариш техника в ҳалик истеъмоли молларини миқдори ва сифат жиҳатдан қабул қилиш тартиби тўғрисида» ги йуриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

#### 5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ

5.1 «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини олаётган вақтда жойида маҳсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.

5.2 Етказиб бериладиган маҳсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу маҳсулот ортиш ва қузатувчи ҳужжатларда кайд этилиши лозим.

5.3 Нефть маҳсулотларининг олган истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### 6. ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартноманин хар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

6.2. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефтьмаҳсулотларини етказиб беришини қафолатлайли. Хар икки томон нефтьмаҳсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш қилинади.

Нефть маҳсулотларини ҳисоб – китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

6.3. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини сақлашининг техникавий шарт- шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.4. «Истеъмолчи» томонидан унинг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

6.5. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош қорганлиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдориди жарима тўлайди ва Етказиб берувчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотини тўлиқ қийматини эндириш ҳуқуқига эга.

6.6. Ушбу шартнома бирин бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шарҳлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга биноан қўлланилади.

6.7 Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашни тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган хар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таъриф қилмайдилар, вала бормайдилар, довтамачилик қилмайдилар, пора сифатида пул туламайдилар, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бормайдилар, ёки ўз хизмат мажбурият қилидан фойдаланган ҳолда пора берган шахсининг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир қилмалиги шартлиги ёки муқимлиги учун моддий қийматликлар ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймастик бўйича чоралар кўрилишига қафолат беради.

#### 7. ФОРС-МАҲЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Хар икки томон ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар.

- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнгин, зилзила ва бошқалар оқибатида юз берса.

- нефтьниқайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАЖК айбн билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш ҳажми ва муддати ўзгартирилгани, шунингдек АТ ҚННлар ва нефть база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилгани, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқини, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунин белгилувчи ташкилотлар қарорига асосан нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолатларда.

#### 8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX

XXXXXXXXXXXXXX

#### 9. ИМЗОЛАРИНИ ҚУРИБ ЧИҚИШИ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШИНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома киритилган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, хар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақикий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартноманин бажариллишида юзага келадиган хар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон мустақил ҳал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда негисодий судларида ҳал этилади.

9.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди, ва тенг ҳуқуқий қучга эга.

9.4. Шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазириятининг ҳудудий газначилигидан рўйхатдан ўтган қундан қучга қиради ва 2022 йил 31 декабртача амал қилади.

#### 10. ТОМОНЛАРИНИНГ ЮРИДИК МАВЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Таъминотчи»

«Истеъмолчи»

«Тўрақўргон нефть базаси» МЧЖ

Ҳ/р. 226040020+267762705

МФО 00432 ИНН.204585174

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

Тошкент ш. Яшнобод филиали

Октош ш. Бобур кўча 2-уй

Директор:

Ш.Файзиев

А.Хусанбоев

Х.Мухсиддинов

«Наманган вилоят ҳокимлиги Молия бошқармаси»

Нам.шаҳар И.Каримов кўчаси 37-уй  
МФДР; 100021860144017011312092008  
УЧН; 200056447-9015041

Факс (69) 228-57-75

МФО 00010

Раҳбар: А.Б.Ибраҳимов



Ҳуқуқий ҳулоса: Мазкур шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни талабларига зид эмас.

Ҳуқуқшунос: Х.Мухсиддинов